Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 7 АВГУСТ, ШАНБА

№ 54 (6565).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Республика Халқ таълими вазирлиги Ҳайъати «Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг икки йиллигига тайёргарлик ва уни нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди ҳамда вазирликнинг шонли санага бағишланган тадбирларини тасдиқлади. Ҳайъат Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, барча вилоят халқ таълими бошқармаларига, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига таълим тизимидаги ўқув муассасалари ва ташкилотларда қутлуғ санага тайёргарлик ишларини, уни тантанали нишонлаш тадбирларини маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда уюшқоқлик вазнятида намунали ўтказишни топширди.

Республика халқ таълими тизимида Мустақиллик кунининг икки йиллигига қандай тайёргарлик ишлари олиб борилади? Вазирликнинг шонли санага бағишланган тадбирларида қандай ташкилий ишлар ва тантаналар кўзда тутилган? Ана шундай саволлар билан мухбиримиз М. Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош САИДЖОНОВга мурожаат қилиб, вазирлик Ҳайъати қабул қилган қарорни шарҳлаб беришни сўради.

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

— Мамлакатимиз фуқаролари шу йил 1 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг икки йиллигини кенг нишонлайдилар, — деди Йўлдош Саиджонов. — Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг икки йиллигига тайёргарлик ва уни нишонлаш тўғрисида»ги қарорини мамлакатимиз барча фуқаролари қаотғи кўпминг кишилик халқ таълими ходимлари, ўқувчи ёшлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Қутлуғ санани муносиб нишонлаш ҳар бир педагогик жамоанинг, ўқувчилар ва талабаларнинг мақсади ҳамда ниятига айланади, десам янглишмайман. Ана шуни назарда тутиб, халқ таълими тизимида байрамга тайёргарлик ва уни ўтказишни таълим-тарбия ишининг бош мақсадларига йўналтириш учун вазирлик махсус Тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқди ҳамда ўз Ҳайъат йиғилишида муҳокама этиб, тасдиқлади.

Қабул қилинган қарорда таъкидланганидек, республикамиз мактабларида, ҳунар-техника ва барча билим юртларида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ҳафталиги ўтказилади. Ҳафталик давомида тантанали кечалар, оммавий сайллар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлар чиқишлари, кўргазмалар, таниқли кишилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, болалар тайёрлаган буюм ва совғаларнинг ким ошди савдолари каби тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади. Шунингдек жойларда, шароитдан келиб чиқиб, ўқувчилар ва педагогик ходимлар, ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла қўмитаси вакиллари, ижодий уюшма аъзолари иштирокида Мустақиллик кунига бағишланган тантанали йиғилишлар ташкил этилади.

Ҳаммамизга аёнки, Ватанимиз меҳнат аҳли кенг нишонлайдиган бу қутлуғ ва улуғ байрам ажойиб кунга — янги ўқув йилининг бошланишига тўғри келади. Шу боисдан ҳам уни тантанали ўтказиш ва ёш авлодда унутилмас хотиралар қолдиришга эришиш муҳимдир. Ана шу мақсадда барча турдаги ўқув юртларида биринчи дарсни «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» мавзуида ўтказишга қарор қилинганлиги айни муддаодир. Чунки камол топаётган ўғил-қизлар биринчи дарсданоқ Ўзбекистоннинг давлат, сиёсий, иқтисодий мустақиллиги ва унинг истиқболи тўғрисида тушунчага эга бўладилар. Бу айни пайтда уларда Ватан билан фахрланиш туйғусини оширади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи бу дарсга алоҳида тайёргарлик кўриши ва таъсирли ўтказишга эришиши зарур. Дарсда Асосий Қонунимиз мазмуни ва моҳияти ҳақида тушунчалар бериш билангина чекланмай, Қонун моддаларига боғлаган ҳолда халқ таълими соҳасидаги муваффақият ва янгиликлар, билим олиш учун яратилган имкониятлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг ёш авлод ҳақидаги ғамхўрликлари тўғрисида далиллар билан ҳикоя қилиб бериш лозим.

Ўқитувчи, аввало, Ўзбекистоннинг эндиликда мустақил давлат сифатида халқаро обрў-эътибори тобора ортаётганлиги, энг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлганлиги, унинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида бошқа давлатлар рамзлари қатори ҳилпираб турганлигини сўзлаб беришн керак. Шу билан бирга республикамизнинг жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари кенгайиб бораётганлигига, бу халқаро алоқалар халқ таълими соҳасида ҳам яққол намоён бўлаётганлигига ўқувчилар эътиборини қаратиш лозим. Республикамизда турк лицейларининг очилганлиги, ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг Туркия, АҚШ ва бошқа давлатларда ўқиётганлиги, педагог-мутахассисларимиз Олмония, Франция, Исроил ва бошқа мамлакатлар маорифидаги тажрибаларни ўрганиб келганликлари каби мисолларни келтириш мумкин.

Мустақиллик туфайли таълим-тарбия тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй бераётир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун дадил амалга оширилмоқда. Бу ўринда муаллим ягона таянч ўқув режаси, янги дастурлар, мактаб таълимига ҳуқуқшунослик, ҳозирги замон сиёсати ва иқтисодиёти билимлари киритилганлиги, тест усулдаги синовлар ва бошқа янгиликлар ҳақида тўхталиб ўтиши керак. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси ёш авлод келажагига қилинаётган ғамхўрлик эканини ўқувчилар онгига етказишга эришиш муҳимдир.

Дарснинг кўргазмалилиги — самарадорлик дебочасидир. Шу боисдан, менимча, бу дарсда Ўзбекистон Давлат Рамзи, Байроғининг чизмалари, Мадҳияси ёзилган грампластинка, «Ўзбекистон Конституцияси» китоби, мамлакат тараққиётига бағишланган плакатлар ва бошқалар ўқитувчига энг яхши кўрсатма воситаси бўла олади.

Мактабгача тарбия муассасаларида ҳам илк машғулотлар қутлуғ санага бағишлаб ўтказилиши ҳайъат қарорида қайд этилган. Бу машғулотларда Ватанимиз ҳақида, халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари урф-одатлари тўғрисида кичкинтойларга дастлабки тушунчалар берилади.

Умуман, Мустақиллик кунига тайёргарлик ва байрамни ўтказишга доир Тадбирлар кенг ва хилма-хилдир. Тинчлик куни, Билимлар куни тантаналари, барча ўқув муассасаларида, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларида Очиқ эшиклар куни, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ватан тарихи мавзуида илмий-амалий, илмий-назарий конференциялар... Буларнинг ҳамма-ҳаммаси келажаги буюк давлатнинг муносиб ворислари бўлган ёшларни комил инсонлар бўлиб тарбияланишига, уларда Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини камол топтиришга хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ўтказиладиган муҳим тадбирларга Республика ўқув-методика марказидан тортиб билим масканларидаги метод бирлашмаларигача, маҳаллий халқ таълими идораларидан тортиб ўқув юртлари ва тарбия масканлари маъмуриятларигача, ота-оналар қўмиталаридан тортиб оталиқ ташкилотларигача жалб этиш кўзда тутилган. Бу тадбирларни ёритишда, албатта, ҳар қачонгидек, педагогик матбуот ҳам ўз тарғиботчилик ва ташкилотчилигини намоён этади, деб ўйлайман.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг икки йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича халқ таълими тизимида амалга ошириладиган барча тадбирлар камол топаётган ёш авлодда Ватанига, унинг меҳнатсевар халқига муҳаббат ва садоқат ҳиссини оширади, келажакнинг муносиб ворислари бўлиб етишишларига ёрдам беради.



ТЕХНИКА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

КОМПЬЮТЕР «ЖИЯН»НИ ТАНИМАЙДИ

Сўнгги йилларда республикамизнинг истиқлолга эришганлиги шарофати билан барча соҳалар қаторида халқ таълими тизимига ҳам бир талай янгиликлар кириб келди. Тошкентдаги Ленин номли педагогик коллежда абитуриентларнинг қабул имтиҳонларини компьютерга топшириши ҳам шуларнинг бири бўлди.

— Бу йилги режа бўйича коллежимизга 300 нафар талаба қабул қилиниши керак. Ҳозир ҳужжат топширганлар сони эса 800 дан ошиб кетди, — дейди коллеж директори Мунаввара Исмонлова. — Имтиҳон масаласига келсак, бу гал менда ташвишлар камроқ десам ҳам бўлади. Негаки, зиммамда абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш ва уларнинг ётоқхоналарга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бор, холос. Қолганларини эса махсус белгиланган гуруҳлар амалга оширишади.

Тест саволларини тузиш ва шу билан боғлиқ масалалар билан шуғулланган гуруҳнинг масъул ходими, Республика Халқ таълими вазирлигининг педагогик таълим ва фан бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қудрат Мўминхўжаев тайёргарлик жараёни ҳақида айтиб берди:

— Вазирлигимиз томонидан республикадаги билим юртларининг Тошкентдаги тўртталасида синов тарзида компьютер билан имтиҳон қабул қилиш тўғрисидаги қароридан сўнг бизнинг гуруҳ ишни бошлаб юборганди. Қибрай туманининг юздан ошиқ тажрибали фан ўқитувчилари иштирокида саволлар тузилди. Халқ таълими қошидаги хўжалик ҳисобидаги «Ўзбучавтоматика» ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси шартнома асосида қисқа фурсатда компьютер хоналарини жиҳозлаб беришди. 25 июлдан ЭҲМ операторлари бевосита компьютер билан ишлаш бўйича абитуриентларга консультациялар беришди.

«Тест имтиҳонларини ўтказувчи гуруҳ»нинг раҳбари Абдуқаҳҳор Абдуқодировга ҳам бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Имтиҳон қилишнинг бу усули олий ўқув юртларидагидан нимаси билан фарқланади?

— Биринчидан, бу усул олий ўқув юртларидагидан ўз тезкорлиги билан ажралиб туради. Иккинчидан эса, абитуриентнинг кўз олдида жами тўплаган баллари намоён бўлади.

— Ҳозирда ҳамма мактабларда компьютер синф хоналари ташкил этилмаган, бўлганда ҳам барчасида ўқитадиган муаллимлар йўқ...

— Мақсадингизни англадим. Бу ердаги аҳволдан бехабар киши, албатта, сиз айтганчалик компьютернинг мураккаблиги-ю имконияти чексизлигини ҳисобга олиб, ўқувчи у билан қандай тиллашади, деган фикрга бориш мумкин. Лекин биз уни шунчалик соддалаштирганмизки, абитуриент бор-йўғи уч-тўрт тугмачадан фойдаланади холос. Консультациялар давомида узоғи билан 5—10 дақиқа ичида деярли барча ўқувчилар уни ўзлаштириб олишди.

— Бу усулда вариантлилик ва баҳолаш қай йўсинда бўлади?

— Бунда алоҳида белгилаб қўйилган 2 ёки 3 та вариант деган нарса йўқ. Ҳар бир абитуриентга ўзига хос саволлар тушиши мумкин. Баҳолашга келсак, улар баллар бўйича белгиланади. Масалан, она тилидан ҳар бир тўғри жавоб учун 3,1 балл, математикадан эса 2,1 балл. Шундай қилиб ҳар бир фандан 40 тадан савол борлигини ҳисобга олсак, энг юқориси 208 балл бўлади. Биз ҳар бир абитурнент имтиҳон топшириб бўлгач, унинг натижасини ташқаридаги «Маълумотлар кўзгуси»га қўямиз. Бу ошкораликни таъминлайди. Ота-оналар ҳам ўз фарзанди билимини бошқаларники билан солиштириш имконига эга бўлади.

— Аппеляция масаласи қандай ҳал этилади? Машинанинг хотираси бўлса керак?

— Мана, қўлимда компьютер чиқариб берган «Абитуриентнинг она тили ва адабиёти фанидан оғзаки жавоб варақаси». Биринчи устунга тартиб сони, иккинчисида умумий базадаги, яъни 200 та саволлар ичидаги савол шифри (бу экранда кўринмайди), учинчисида — беш жавобдан танланган жавоб номери, тўртинчисида — олинган балл ва, ниҳоят, жами балл. Шундай экан, бу ерда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Биз имтиҳонни кўнгилдагидек ўтсин, дея оёқда турганларга сабр-бардош тилаб, ташқарида фарзандини интизорлик билан кутаётган ота-оналар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Гаплардан эндигина эшик очиб кириб келган бу янгиликнинг қучоқ очиб кутиб олинганлиги англашилди. Ажабмаски, кейинги йиллардан ёппасига абитуриентлар имтиҳонни ҳамма учун баробар бўлган «Правец — 8» га топширишса.

Абдусамат РАҲИМ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Ўқувчи ёзи қандай ўтмоқда?

СЎЛИМ МАСКАНЛАР

ИШ БОР ЖОЙДА...

Ўқувчиларнинг ёзги дам олишлари янги ўқув йилига маънавий-руҳий жиҳатдан тайёргарлик кўриш сирасига киради. Шу боисдан биз мазкур масалага қандай эътибор берилаётганини билиш мақсадида Фарғона вилоятидаги бир неча туманларда кузатув ўтказдик. Умуман, олганда, вилоятдаги умумий аҳволни қониқарли, дейиш мумкин. Қатор ўқувчилар оромгоҳларида, аксарият янги очилган дам олиш масканларида, айтиш мумкинки, битта киддий камчилик кўзга ташланди. У ҳам бўлса, асосан лагерларни миллий ва замонавий мазмундаги жиҳозлар билан таъминлаш. Албатта, ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида буни тушуниш мумкин. Ўтказилган суҳбатлар жараёнида шу нарса ҳам маълум бўлдики, туманлар ҳокимлари, туман халқ таълими бўлими раҳбарлари бу масаладан тўлиқ хабардор эканлар. Улар лагерлардаги камчиликларни бартараф этиш, дам олиш мавсумини янада яхшироқ ўтказиш учун қайғуришяпти.

ЯХШАШ МАНЗАРАЛАР

Вилоят бўйича ўқувчиларнинг оммавий дам олишларини ташкил этиш, бўш вақтларини фаол, мақсадга бўйсундирилган тартибда ўтказиш бўйича орттирилган тажриба ҳам кўп. Мисол тариқасида вилоятнинг Қувасой шаҳри ва Фурқат туманини олайлик.

Қувасой водийнинг шарқий этагига жойлашган бўлиб, қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Фурқат тумани эса вилоятнинг ғарбий қисмидан ўрин олган бўлиб, Кўқон гуруҳ туманлари сирасига киради. Аммо, ўртадаги масофанинг хиёл узунлигига қарамай, бу ерларда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш, ўқувчи ёзини мароқли ўтказиш борасида деярли бир хил манзарани кузатиш мумкин. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Қувасой шаҳрида 11 мингдан зиёд ўқувчи бўлиб, улар 30 дан ортиқ миллатга мансуб. Ушбу далилдан кўриниб турибдики, демак, тарбия ва таълимни ташкил этиш борасида ўзига хос мураккаблик ва нозикликлар йўқ эмас. Аммо, шаҳарда ўқувчиларнинг дам олишлари шундай йўлга қўйилганки, тўғаноқ бўларли муаммо кўзга ташланмайди. Биринчидан, дам олиш мавсумига кўпроқ болани қамраб олишга эришилган. Иккинчидан, болалар миллати ва қайси тилда таҳсил олишларидан қатъи назар, аралаш жойлаштирилган.

Шаҳар бўйича уч ойлик мавсумда халқ таълими бўлимига қарашли соғломлаштириш лагерларида 1450 бола дам олиши режалаштирилган. 5 та мактаб қошида соғломлаштириш лагерларига кетаётган харажат шаҳар маорифчилари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан қопланмоқда. Шунингдек, шу йилдан ишга тушган Арсив дам олиш уйида ҳам 288 нафар бола бепул йўлланма билан ҳордиқ чиқаради. Шароитлар баҳолиқудрат, имкониятдан келиб чиқиб яхши яратилгани учун ҳам бу лагерларда дам олишни хоҳловчилар кўпчиликни ташкил этади.

Шу қаторда, шаҳар ҳудудидаги «Чайка», «Солнишко» лагерларида ҳам ёзги мавсум давомида 1350 боланинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Ҳозир мавсумнинг учинчи ойи бошланди. Мазкур лагерларда шароитлар яхши йўлга қўйилган. Ларнинг моддий асоси анчагина бақувват. Чунки улар хўжаликлар қошида ташкил этилган оромгоҳлар ҳисобланади. Болалар навбати билан Каркидон сув омборига, Фарғона шаҳрига, Шоҳимардонга, шунингдек, водийнинг энг ҳушманзара, сўлим гўшаларига саёҳат уюштиришмоқда.

(Давоми 4-бетда).

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дастури ва режаси.
- Кароматлари зоҳир бўлган авлиё.
(Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига).
- Янги фан: иқтисодий билим асослари.
- Ўқитувчиларнинг биринчи музейи.

• Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

ЯНГИЛИККА БАРЧА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Халқ таълими вазирлиги ходимлари, унинг таркибидаги барча тармоқлар, муассасалар олдига ҳам илм-фан, таълим-тарбия масалаларига янгича ёндашиш, таълимнинг миллий ва ўзига хос усулларини яратиш, жумладан, тест синовларини жорий этишдек муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилди. Шунга ҳам икки йил бўлди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган йиғилишида мактабларда тажриба тариқасида қўлланган тест синовлари натижалари муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев сўзга чиқиб, бу борада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида гапирди.

Вазирликнинг алоҳида қарорига кўра, Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани ҳамда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳар мактабларида битирув имтиҳонларини республикада илк бор тажриба тариқасида тест синовлари асосида ўтказиш белгиланганди. Бу синов тадбирларида жами 37 та мактаб, беш минг нафардан ортиқ ўқувчининг билими тест топшириқларининг натижаларига қараб аниқланди ва баҳоланди. Мактаблардаги битирув имтиҳонларида ўқувчининг ўқув дастурларини ўзлаштириши, дарсликлардан фойдаланиши ва билим даражасини аниқлашда одатдаги усулларга нисбатан устивор жиҳатлари туфайли янги усул тажриба қатнашчилари томонидан катта қизиқиш ва мамнуният билан қабул қилинди. Хусусан, тест синовлари ташкилий жиҳатдан ортиқча ташвишлардан, ўқувчилар билимини баҳолашда кишиларнинг шахсий муносабатлари таъсиридан холи бўлиши билан ҳаммага маъқул келди.

Аммо гап фақат тажрибанинг амалда яхши синовдан ўтганлигида эмас, — деди вазир. — Президентимиз Ислом Каримов республика фаоллари йиғилишида «...ишга бўлган муносабатларни янгича асосда ўзгартириш керак...» дея бежиз таъкидламади. Таажжубли томони шундаки, таълим тизимига жорий этилаётган бу усулга нисбатан айрим мутахассисларимиз, вилоят бошқармалари ходимлари муносабатида ташаббускорлик кўзга ташланмаётир. Юқоридан буйруқ бўлишини кутиб ўтиришдек иллат ҳамон сезилиб турибди. Вазирликдаги айрим мутахассислар, фан мутасаддилари ҳам жойлардаги халқ таълими бошқармаларига бориб, қеракли тавсиялар, йўл-йўриқлар бериш ўрнига, олма пиш, оғзимга туш қабилида фаолият кўрсатмоқдалар. Мутахассисларимизнинг бундай сусткашлигида янги усулдан вилоят педагоглари қачон хабардор бўлиб, қачон ўзлари учун амалий хулосалар чиқарадилар?

Мактабгача тарбия муассасаларидаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Бозор иқтисодининг айрим муаммоларига қарамай, боғчаларни қайта шакллантириш, тарбия йўналишини ўзгартириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 30 та болалар боғчасида тажриба тариқасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган эди. Кузатишларга кўра, бу тажриба ҳам амалда ўзини оқлаётганлиги ва яхши натижа бераётганини ҳаммамиз кузатиб келаяпмиз. Аммо боғчалардаги бу тажриба Тошкентдан вилоятларга, қишлоқларга ҳам тезроқ тарқалиши, керакли дастурлар зудлик билан нашр этилиши пайсалга солинмоқда. Наҳотки, бу муҳим ишларни бизга бошқа ёқдан бирор кимса келиб қилиб беради? Қани ташаббускорлик, қани ишга янгича муносабат?

Ўзимиз бошлаган ишни ўзимиз қўллаб-қувватлаб, унинг келажаги порлоқ эканлигини амалда исботлашга шошилмаётганга ўхшаймиз. Биргина мисол. Педагогика олий ўқув юртларимиз қаторида бу йил республикамиздаги тўртта педагогика билим юртида тест синовлари тажриба тариқасида қўлланилмоқда. Айни пайтда уларнинг барчасида синовларнинг биринчи босқичи якунланди. Боқибеғамликни қарангки, саноқли кишиларимизгина янги тажрибани борб кузатдилар. холос. Нега, бошқалар-чи, уларга бу керак эмасми? Келгуси ўқув йилидан бошлаб барча мактаблар, педагогика билим юртлари ҳам тест синовларига ўтади. Шундай экан, ҳозирданоқ бунга тайёрланмоқ, тараддуд ишларини бошлаб юбориш жоиз эмасми?

Шундан сўнг нотиқ яна бир ғоят муҳим масала — бозор иқтисоди шароитидан келиб чиқиб, мактаб ва илм муассасаларида янги «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишга ҳам кенг тўхталиб, бу соҳадаги асосий вазифаларни қайд этди.

Йиғилишда юқорида таҳлил этилган масалалар қаторида янги ўқув йили олдидан қилиниши лозим бўлган вазифалар — Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг икки йиллик тўйига ҳозирлик кўриш, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш, долзарб масалаларда ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиш алоҳида таъкидланди. Барча фанлар бўйича ўқитувчиларни тест синовларига ҳозирлашнинг чора-тадбирлари, малака ошириш институтларида алоҳида курслар ташкил этиш ва булар ҳақида вақти-вақти билан тегишли мутахассислар ҳисобот бериб туриши қайд этилди.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

Тошкент вилоят педагогика билим юртида ҳам талаба танлови бошланди.
СУРАТДА: имтиҳондан лавҳа.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

• *Акс садо*

ИНСОН ЧИРОЙИ

Газетада «Муштарий» — газета — «Муштарий» рукни остида «Номаларингизга муштоқмиз» сарлавҳали мақоладан илҳомланиб, мулоҳазаларимни барча ҳамкасбларим ва, айниқса, «Одобнома» ўқитувчилари билан лутфан ўртоқлашишни лозим топдим. Газета, айниқса, кейинги вақтларда шарафли касб эгалари — биз ўқитувчиларга тенги йўқ маслаҳатгўй бўлмоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларидан малака оширишга чақирилган Одобнома муаллимларидан 43 нафар ўқитувчининг армонлари, дардлари бир-бирига ўхшаш эканлиги маълум бўлди. Жумладан, кўпчилик умумтаълим мактабларнинг раҳбарлари ҳалигача «юқоридан кўрсатма кутиш» кўникмасидан ҳали бўлмаганлар. Оддий мунозараларни ҳам одилона мулоҳаза қилолмайдилар. Айрим ҳолларда «Одобнома» дарси ноаниқ мақсадлар силсиласида номуносиб ўқитувчилар ихтиёрига топшириб қўйилган. Ҳолбуки, аввалги ҳукмрон коммунистик империя давридан мерос — номиллий савияда берилган ноаниқ ижтимоий тарбия жараёнида онгимизга сингдирилган нохуш, бачкана тушунча, ташвишлардан қутулиш лозимлиги бугун ҳаммамизга аён. Бундай вазифани бажариш учун ҳар бир муаллим ўз ихтисоси бўйича дарс бериши зарур. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тадбирларни таклиф қиламан.

Одобнома ўқитиш янги ўқув йилидан бошланиши муносабати билан ҳар бир мактабда мактаб директори, ташкилотчи, ўқувчилар етакчиси, одобнома ўқитувчиси ва нуфузли ўқитувчилар ҳамда ислом дини билимдони иштирокида «Одобнома» кенгаши тузилса ва бу кенгаш мактаб деворий газеталарига, радио эшиттиришларининг дастурига, бошқа жамоатчилик асосидаги тадбирларга нозирлик тасарруфини зиммасига олса.

Ота-оналар билан одобнома кенгашлари ўртасидаги муштарак муаммоларни тўғри ҳал қилишни амалга ошириш учун жумҳурият радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар дастурида ҳафтада икки-уч марта сермазмун «Одобнома» минбари ташкил этилса.

Умумтаълим мактабларида ишлатиладиган журналларнинг мундарижасида биринчи фан сифатида жой ажратилса.

Умумтаълим мактабларининг 9, 10 ва 11-синфларида ўқувчиларнинг балоғат ёшига етиб қолганлигини ҳисобга олиб, жисмоний тарбия, меҳнат таълими дарслари сингари «Одам анатомияси», «Одобнома» дарсларида ҳам ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, ўғил болаларга эркак, қиз болаларга эса аёл муаллимлар дарс беришига эришилса.

Одобномага дастлаб алтернатив дарсликлар чиқарилиб, аста-секин мувофиқлаштирилса ёки янги йилдан бошлаб «Одоб сабоғи», «Одоб гулшани», «Одоб бўстони», «Одобнома» номларидан бири танланиб, ўша ном билан ойнома ташкил этилса.

«Одобнома»га доир методик қўлланмалар, кўргазмали куроллар, фильмлар, диафильмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилса. Зотан, одоб инсон чиройидир.

Меликўзи МАМАЗИЁ ўғли,
ХОТИРА

• *Тажриба минбари*

МАҲОРАТ САЙҚАЛИ

Ҳар бир соҳа ўз моҳир истеъдод соҳиблари ютуқлари билан улуғворликка юз тутади. Агар ўқитувчи моҳир бўлса, келажакда яна юзлаб қобилиятлилар кашф этилади. Улар жамиятнинг тиргагига, қувват манбаига айланади. Шундай экан, истиқболимиз эгалари — ёш авлодга илму одобдан сабоқ бераётган ижодкор, моҳир устоз-мураббийларни «кашф этиш», улар меҳнатини юзага чиқариш энг эзгу-хайрли ишлардан биридир.

Шу мақсадда биз Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Усмон Носир номли 13-ўрта мактабнинг бошланғич таълим устаси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Д. Қаҳҳоровнинг айрим иш услублари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Ўқитувчи маҳорати фақат меҳнатдагина сайқал топади, илм эса қанот бўлади» тамойилига амал қилиб фаолият кўрсатаётган Д. Қаҳҳоров ўзи ишлаётган мактабда етти марта 1-синфни қабул қилиб, таълимнинг ўрта бўғинига тайёрлаб берди. Қийинчиликларга дуч келган онларида устозлари — педагогика фанлари доктори, профессор М. Очилов, доцент Э. Шодмоновлардан назарий, А. Аллаев, Ж. Бердиев, Б. Худойбердиев, Ф. Эшимовлардан амалий маслаҳатлар олди. Қўшни мактаб ўқитувчиларининг тажрибаларини ўрганди, янгича туюлган иш услубларини ижодий ривожлантириб борди. Айниқса, туман халқ таълими бўлими услубиётчиси Н. Йўлдошев, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Г. Эштурдиевларнинг маслаҳатлари уни таълим услубининг катта йўлига чиқиб олишига сезиларли ёрдам берди.

Ойлар, йиллар ўтди. У устоз деган шарафли номга муяссар бўлди. Вилоят, республика педагогика ўқишларида, «Ўқитувчи-91» вилоят кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди.

Маҳорат сайқал топгани сайин киши қалбида ижод қилиш кучаяверади. Таъбир жоиз бўлса, бундай сифат эски шакллар қобиғига сиғмай, янги замон талабига жавоб беролмай қолган усуллар, воситаларга ижодий ўзгартишлар киритишдан бошланади. Д. Қаҳҳоров шулар хусусида кўп ўйлаб, таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи техникавий мосламалар, янгича турдаги кўргазмалар ясаб, ижодкорлик йўлига тушди. Педагогик ижод маҳсули сифатида юзага келган мослама ва кўргазмаларнинг бир туркумини ўқитувчиларнинг кўргазмали куроллар кўрик-танловига ҳавола этиб, совринли иккинчи ўринни эгаллади. Вилоят раҳбарияти уни фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирлади.

Тиниб-тинчимас бошланғич таълим устаси Д. Қаҳҳоров анъанага айланган «Алифбе байрами»ни ўзига хос тарзда ўтказди. Ижодий услуб бир овоздан вилоят миқёсида оммалаштиришга лойиқ деб топилди.

Устоз мактаб жамоаси, ота-оналар орасида ҳам катта ҳурматга эга. Ўзи меҳнат қилаётган таълим даргоҳида у бошланғич синф ўқитувчилари метод бирлашмаси йиғинларида, туман ўқитувчилари кенгашларининг бошланғич таълим шўъбасида, вилоят муаллимлар малакасини ошириш олийгоҳи тингловчилари ҳамда ота-оналар жамоатчилиги олдида таълим-тарбия бериш услубиётининг энг долзарб ва замонавий муаммолари хусусида чиқишлар ҳам қилиб туради. Масалан, шу йилнинг 21 январь куни Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти педагогика ва бошланғич таълим методикаси куллиётининг битирувчи курси талабалари ҳузуридаги маърузаси қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Учрашувда қатнашган олимлар Т. Ўринов ва К. Хуррамовлар унинг ижодкорлик санъатига юксак баҳо бердилар. Учрашув ниҳоясида у ўзи яратган энг янги техникавий мосламалар ҳамда кўргазмаларни намойиш этди, уларнинг иш тамойиллари, қўлланиш услубларини сўзлаб берди.

Илғор ўқитувчи ғаройиб санъат соҳиби сифатида ҳам эътиборга лойиқ. Эслатиб ўтамиз: у турли ҳайвонлар, қушлар, карнай-сурнай, ноғораю доира, техника воситалари овозларини ҳам аслига қойилмақом қилиб ўхшатиб кўрсата олади. Ўзининг айтишича, бу ҳунар бошланғич синфларда ўқиш дарсларида, синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда жуда асқотади. Чунки эртак ва ҳикоялардаги образларни ўқитувчи театр актёридек ижро этмаса, таъсирчанлиги камаяди.

Иқтидорли бошланғич таълим устаси Д. Қаҳҳоровнинг муттасил тинимсиз изланишлари самараси ўлароқ дунёга келган техника воситалари ҳамда таълимнинг янгича мезонларига мувофиқ келувчи кўргазмаларидан айримларини бошланғич синф ўқитувчилари эътиборига ҳавола этамиз:

1. **«Сўз билағонга!» деб номланган кўрсаткичли алфавит.** У 60х80 см катталикдаги картондан ясалган. Тепасида «Сўз билағонга!» деган сарлавҳа. Икки ён томонига юқоридан пастга томон алифбе ҳарфлари қатори тенг иккига бўлиб ёзилган. Ўртада бир боланинг бор бўйига чизилган расми. Унинг икки қўли ўнг ва чап томонга бироз чўзилган. Кўрсаткич бармоғи ҳарфларни кўрсатиб туради. Унга кўзга кўринмас ип уланган. Ипнинг орқа томондаги учи тортилса, суратдаги боланинг қўли ҳаракатга келади ва шу асосда исталган ҳарфни кўрсатиш мумкин. Лекин битта шарти бор: агар ўқувчи ҳарфларни билса, кўрсатади. Билмаса, сўз — навбатдаги билағонга!

2. **«Акварнум» номли ҳаракатли кўргазма.** У ҳам 60х40 см. катталикдаги картонга чизилган. Суратда аквариум, унинг ичида сув, тошлар ва балиқлар тасвири. Балиқлар ҳаракатланади, ҳаракат орқадаги ипчалар ёрдамида бажарилади. Бу кўргазма кўмаги билан бошланғич синфлар математика дарсларида масалалар тузиш мумкин. Масалан: 1. Аквариумда 5 та балиқ бор. Шулардан 3 таси сув юзига чиқди. Пастда нечта балиқ қолди? 2. Тошлар орасида 10 та балиқ бор эди. Уларга яна 2 балиқ қўшилди. Тошлар орасидаги балиқлар сони нечта бўлди?..

3. **«Лото» мосламаси.** Цилиндр шаклидаги қутича ва уни икки томондан кўтариб турган ёндорлардан иборат. Қутича ўз ўқи атрофида айланганида лоторея билетлари аралашади. Ўқувчи лоторея билетлари олиб, қопқоқни ёпиб қўяди. Билетларнинг икки томонидаги ўтилган мавзуларга доир саволларга ўқувчи жавоб бериши керак. Бу ўйинда бир нафар ўқувчи ҳам, командаларга бўлинган ўқувчилар гуруҳи ҳам қатнаша олади. Муҳими шундаки, ундан турли дарсларда ўқувчилар билимини сўраб баҳолашда, янги мавзуни мустаҳкамлашда ва такрорлаш, умумлаштирувчи дарсларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу асбоб қўлланилган дарсларда ўқувчиларнинг қизиқиши ортади. Таълим жараёнида мажбурийлик ўрнини ихтиёрий ўқув меҳнати эгаллайди, анъанавий услубга барҳам берилади.

4. **«Ойнаи жаҳон» мосламаси.** У алоҳида эътиборга лойиқ, телевизорга ўхшатиб ясалган. Баландлиги 40 см, бўйи 60 см лик яшик шаклида. Олд томонида 25х30 см катталикдаги экрани ойна билан ёпилган. Ичидаги иккита вертикал қўзғалмас ўққа лента шаклидаги серияли расм-эртак ўралган бўлиб, лента 15—20 та рангли расмдан иборат. Ўқлар электр моторча ёрдамида айланади. Лентанинг эни 25 см, узунлиги 3—4 метр. Ўқитувчи эртак мазмунини ҳикоя қилаётганда суратлар экрандан бирма-бир ўтаверади. Мослама ичига ўрнатилган магнитофон ишга туширилса, ўқитувчининг ҳикоясига ҳам эҳтиёж қолмайди. Ичкаридаги электр чироқча расмларни ёритиб туради. Лента ҳаракатини секин ёки тезлаштириш ҳам мумкин. Бу мослама қўлланилган дарсларда ўқувчилар эртакларнинг сеҳрли оламига киргандай бўлади. Жумладан, «Бобошолғом», «Бузилган уя», «Очкўз ит», «Уч дона тарвуз уруғи» каби эртаклар «Ойнаи жаҳон» орқали кўрсатилганида ўқувчилар ҳайрат оғушида қоладилар.

5. **«Сирли соат» мосламаси.** Унга туман ва вилоят кўригида биринчи, жумҳурият кўригида иккинчи ўрин берилган. Мослама гугурт қутига ўхшаш призма шаклида ясалган бўлиб, ён томонидаги дасталар бурилиши билан махсус туйнуклардан кун, ҳафта, ойнинг номлари кўринади. Иккинчи томондаги туйнукчада эса ойларнинг ҳижрий номлари пайдо бўлади. Бу мослама қўлланилганда: 1) ўқитувчи йил бўйи синф тахтасига ой, кун номини ёзишдан озод бўлади; 2) ўқувчилар ойларнинг ҳам эски, ҳам янги номларини билиб оладилар.

Шунингдек, Д. Қаҳҳоров ихтиро қилган «Бир лаҳза тинчланинг!», «Тенгламалар тахтаси», «Экран», «Алифбе альбоми» каби мослама ва кўргазмалар ҳам ўзига хос услубда ясалган. Унинг тасарруфида ҳозир 300 метрга яқин ранг-тасвир серияли расмлар лентаси, 1000 дан ортиқ тарқатма материаллар, 700 дан зиёд кўргазмали куроллар, ўнлаб кўргазмалар тахлами ва бошқа ўқув ашёлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ўзига биркитилган синф хонаси кабинет услубида жиҳозланган. Ҳозир тумандаги ёш ўқитувчилар унинг тажрибаларини ижодий ўрганаётирлар.

Ўтган ўқув йилида устознинг ўрта босқичга йўллаган синфи математикадан чуқурлаштирилган таълим берилувчи синфга айлантирилди. Ўқувчилар билим сифатини текширган туман халқ таълими бўлими ва мактаб маъмурияти шундай қарорга келишди.

Т. ҒАППОРОВА,

Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат дорилфунуни БТМ ва мактабгача тарбия педагогика кафедраси мудири, доцент.

Д. ХОЛМУРОДОВ,

шу кафедра ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Мен бу одамни ёшлигимдан билардим, аммо бу қадар табарруклигини кейинчалик тушундим. Шуни айтишар экан-да, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деб. Лекин хайрли ишнинг кечи йўқ дейишади. Шунинг учун Боситхон ота ҳақида кўрган-билганларим, эшитганларимни хотирамда жонлантириб, унинг қиёфасини кўз олдимга ёрқинроқ келтиришга баҳоли қудрат уринаман.

Урушдан сўнги йиллар. Мен Тошкент шаҳридаги Каттабоғ кўчаси бўйлаб, Охунбобоев номли 45-ўрта мактаб томон йўл оларканман, кўпинча Зангиота маҳалласига олиб чиқувчи тор кўча яқинида бу одамни учратиб қолардим. Уни доим об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар, енгил кийиниб, камзулига тақиб олган орден ва медалларини жаранглатиб, қалин сочлари устига айвони кенг шапкани чиройли қўндириб, қўлтиғига папкасини қистирганича тез-тез юриб келаётган ҳолатда кўрардим. У ҳар доим саломимга илиққина алик олиб, йўлида давом этарди. Мен унинг ортидан ажиб бир ғурур ва ҳавас билан тикилиб қолардим. Кейин билсам, Боситхон ака ўша пайтларда Зангиота маҳалласидаги 85-ўрта мактабда директор бўлиб ишларкан. Орадан бироз вақт ўтгач, биз оиламиз билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Облиқ қишлоғига кўчиб кетдик. Орадан йиллар ўтди. Кунларнинг бирида у киши билан яна кўришиб қолдик. Укаларим билан бизни қўярда-қўймай уйларига таклиф қилдилар. Бир пиёла чой баҳона анча-мунча ўтган воқеаларни эсладик. Ўшанда мени у кишининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти кўпроқ қизиқтирган эди. Ана шу куни у киши уруш воқеаларини эслаб, бизга қилган ҳикоялари ҳали-ҳали ёдимда:

— Душман бостириб кирганида мен Тошкентдаги 82-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардим. Мен ва ҳамкасб дўстларим район ҳарбий комиссариати ихтиёрида бўлиб, уларга ёрдам беришимиз кераклигини айтишди. Ҳарбий комиссариатнинг армияга жўнатиш пункти мактабимизнинг катта залида жойлашган эди. Бир неча ой мобайнида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга тайёрлаш ҳамда уларнинг чақирув қоғозларини уйма-уй элтиш билан шуғулландик. Очиғи, бизни бундай иш қониқтирмасди. Шунинг учун ҳам бизнинг ўрнимиз ҳақиқий жанг майдони, фронтда деб билардик. Ҳарбий комиссариатга ёзган аризамизга мувофиқ, бизни аскарликка қабул қилишди. Шундай қилиб, 1942 йили 88-отлиқ артиллерия дивизияси таркибида фронтга жўнадик. Чкалов шаҳрига етиб келганимизда эса, бизни қайтадан тиббий кўрикдан ўтказишиб ҳарбий курсларга йўлланма беришди. Мен 1943 йилнинг март ойида артиллериячи ихтисослигига эга бўлдим, кичик лейтенант унвонини олдим.

Шу тариқа Боситхон Турсуновнинг ҳарбий жанговар фаолияти бошланди. У 1-Украина фронтига қарашли 95-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 287-ўқчи полкида артиллерия взводига командирлик қила бошлади. Украинанинг Полтава, Кременчук ва бошқа саноат марказлари, шунингдек, Руминия, Молдавия ерларини босқинчилар асоратидан озод қилишда фаол қатнашди. Одер дарёсини кечиб ўтиш операциясида чех халқини душмандан ҳалос қилишда иштирок этди. Машаққатли жанговар йўлни мардонавор босиб ўтиб, икки марта оғир яраланди, тузалиб чиққач, яна қўш ўлар сафида вазифасини давом эттирди. Жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати муносиб тақдирланди. Унинг кўксини бирин-кетин жанговар Қизил Юлдуз ордени, биринчи ва иккинчи даражали Ватан уруши орденлари, кўплаб медаллар безади. Ғалаба байрамини Боситхон Турсунов Прагада кутиб олди.

Урушдан сўнг Боситхон ака яна ўз севимли касби — ўқитувчиликка қайтди. Бир неча масъул лавозимларда ҳалол меҳнат қилди. Унинг тинч меҳнат фронтидаги фаолияти ҳам муносиб тақдирланди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқ маорифи аълочиси нишонлари билан мукофотланди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонига сазовор бўлди.

Боситхон ота рафиқаси Латофатхон ая билан узоқ йил аҳил ва тотув яшаб, ўзларидан яхши ном, яхши хотира қолдиришди. Боситхон отанинг тўнғич қизи Лолахон муҳандис, ўғли Шуҳрат Турсунов эса отаси изидан бориб, шифокор олим, мураббий бўлиб етишди.

Искандар РАҲМОН,
Қуролли кучлар фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковники.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР БИЛДИРИЛДИ

Самарқанд туманидаги 16-ўрта мактабда бутун ҳаётини фарзандлар камолотига бағишлаган 11 нафар ўқитувчини пенсияга узатиш тантанаси бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ҳасан Нормуродов, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимова, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Насимхон Маҳмудов ва бошқалар фахрий педагогларнинг иш услублари, тинимсиз изланишлари ва ҳозирги кундаги фаолиятлари ҳақида атрофлича сўзладилар. Шундан кейин уларни улуғ ёшлари билан ёру дўстлари, қатор ташкилотларнинг раҳбарлари, шогирдлари қутлашди.

Йиғилиш сўнгида табаррук устозларга ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари учун вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари улашилди. Шунингдек, уларга туман ҳокимлиги томонидан ҳам пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо буюмлар берилди.

З. БАҲРИЕВ.

СУРАТДА: ёш авлод тарбияси учун умрини бахшида қилган мунис, меҳрибон чеҳралар қадрдон даргоҳлари билан хайрлашмоқдалар.

Ш. САФОТИЛЛАЕВ олган суратлар.

БАЙРАМ ЭРТАЛИГИ

Говшун қишлоқ шўросига қарашли «Космос» болалар боғчасида халқ оғзаки ижодидан намуналар мавзусида семинар-машғулот ташкил қилинди. Унда туман халқ таълими бўлимида малака ошираётган мудира ва тарбиячилар қатнашдилар.

Катта гуруҳда тажрибали мураббия Ҳакима Хўжамова «Нон» мавзусидаги, ўрта гуруҳда ижодкор тарбиячи Ҳожибиби Абдуллаева халқ оғзаки ижоди термалари асосидаги машғулоти, ясли гуруҳида 1-тоифали тарбиячи Майёра Даврованинг ўзбек халқ ҳаракати ўйинлари асосида тайёрлаган очиқ машғулотлари таҳлил қилинди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари асосида тайёрланган байрам эрталиги семинар қатнашчиларига манзур бўлди.

О. НАЗАРОВА,
Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Нилуфар» болалар боғчаси мудираси.

• *Жонкуяр*

САНЪАТКОР ВА ОЛИМ

Аҳрор санъаткор оиласида ўсди. Шунинг учун бўлса керак, унда санъатга ҳавас жуда эрта уйғонди. Аҳрорнинг отаси марҳум ҳофиз Асқар Убайдуллаев мумтоз қўшиқларни, мақом йўли билан ижро этиладиган ашулаларни қиёмига етказиб айтарди. Бу хонадонга Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби улкан санъаткорлар, бастакорлар, хонанда ва созандалар тез-тез келиб турар эдилар. Бу зиёфатлар куй-қўшиқсиз, ўйин-кулгусиз, аскиясиз ўтмас эди. Аҳрорда санъатга ҳавас ана шу дамларда уйғонган бўлса ажаб эмас. Аҳрор дарслардан бўш вақтларида қўлига соз олиб Навоий, Бобур, Машраб, Нодира ғазаллари билан ижро этиладиган ашулаларни берилиб айтар, куйлаган сайин кўнгли равшан тортиб, овози очилиб борарди.

Аҳрорнинг овози жарангдор, шунингдек, у айтган қўшиқларни унча-мунча киши айтолмайди. Аҳрор, айниқса, «Самарқанд ушшоғи», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Чапандози наво», «Гулузорим», «Бўлмас» каби ашулаларни маҳорат билан ижро этади. Аҳрор Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Фазлиддин Шамсиддинов, Муззаффар ота Муҳамедов, Саттор Ярашев, Эргаш Йўлдошев сингари улкан санъаткорларни ўзининг устози деб билади. У бу устозлардан санъат сирларини ўрганди ва кейинчалик ёнма-ён туриб ижод қилди. «Майсаранинг иши», «Гулсара» операларида бош ролларда чиқди.

Аҳрор Убайдуллаев қўшиқ айтиш билан бирга шарқ ва ғарб фалсафасини пухта ўрганди. Хусусан, шарқ мутафаккирларининг ижтимоий фикрларини, гўзалликка, илми одобга оид қарашларини атрофлича тадқиқ эта бошлади. Шу билан бирга Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабаларга фалсафа ва эстетикадан сабоқ берди.

Аҳрор Убайдуллаев «Маърифат» жамиятининг фаол, жонкуяр аъзоларидан биридир. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида унинг қадами етмаган жой қолмади, деса бўлади. Аҳрор қаерда бўлмасин, Ўрта Осиё мутафаккирларининг, айниқса, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий, Фурқат ва бошқа сиймоларнинг ижтимоий-бадиий фикрларини тарғиб қилди. Ўрта Осиёда ижтимоий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан мақолалар ёзди, маърузалар қилди, лекциялар ўқиди.

Бўлажак олим ғарб ижтимоий, эстетик тафаккурни ҳам атрофлича ўргана борди. Бу соҳада ҳам бир қанча илмий-оммабоп рисолалар чиқарди, мақолалар ёзди. Асарлари илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Санъаткор ва эстетик олимнинг кўп йиллик меҳнатлари зое кетмади. 1991 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Муззаффар Ҳайруллаев, фан докторлари Анвар Абдусамадов, Йўлчи Жумабоевлар раҳбарлигида «Г. Плехановнинг эстетик мероси ва унинг ижтимоий фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси» деган мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Олимнинг мазкур тадқиқоти ҳам юқори баҳо олди.

Аҳрор Убайдуллаев ҳозир Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида социология ва халқ таълими иқтисоди кафедрасига бошчилик қилаётир.

Шундай қилиб Аҳрор Убайдуллаев эллик ёшга тўлди. У ўз умрининг чорак асрини санъат ва илм ривожига бахш этди. Лекин ҳофиз ва олим ҳамон интилиш ва изланишда. Зеро, изланган ва интилган кишига толе ҳамиша ёр бўлади, омад кулиб боқади.

Туроб САИДВАЛИ.

• *Истиқлол мафкураси–давр эҳтиёжи*

ШАРҚ ЙЎЛИ— ҚУЁШ ЙЎЛИ

Тошкент давлат университети педагогика кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, хизмат кўрсатган нхтирочи, педагогика фанлари доктори, профессор Усмонали Нишоналиев фаннинг паст-баланд сўқмоқларини дадил босиб ўтган олимлардан. У кўпгина дарслик ва қўлланмалар, монографиялар муаллифи.

Иқтидорли алломанинг асарлари ҳамдўстлик мамлакатларида, Польша ва Японияда чоп этилган.



Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз мафкураси бўлмоғи даркор. Таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларида ва ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувида мустақил Ўзбекистон Республикаси мафкурасининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Юқорида кўрсатилган асосий йўналишларни амалда татбиқ қилиш учун етарли даражада педагогик шарт-шароитлар яратилганми? Бундай савол масалани чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади. Хўш, таълим-тарбия мафкураси қандай бўлмоғи лозим? Бу борада яқин ва ўтмишимизга назар ташласак, кўп нарса равшан бўлиб, бир қатор тушунмовчиликлар ойдинлашади.

Бизга, Мовароуннаҳрга таълим назарияси қайдан келган? Овруподанми? Россияданми? Кўп сонли тадқиқотчиларга, тарихий манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, таълим назариясини таълим-тарбия мазмуни, шакли ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Овруподо орқали ўзгариб, ривожланиб ҳамда бузилиб, яна Мовароуннаҳрга қайтиб келди.

Бундай фикрни тасдиқлаш учун бир неча далилларнинг ўзи кифоя. Дунё тарихий педагогик жараёнида умуминсонийлик ва миллий масалаларни таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бу борада Шарқ улуғ мутафаккирларининг ғоялари аҳамиятга моликдир. Маълумингиз бўлсинки, Ал Форобий, ибн Сино, Беруний, Ал Хоразмий ва бошқаларнинг ғоялари дунё ижтимоий-педагогик жараёнига кўп жиҳатдан таъсир этиб, маълум даражада уйғониш даврининг асосий шарт-шароитларини яратиб берган.

Шарқ мутафаккирлари ҳулосаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар илгари сураётган педагогик ғоялар бевосита ўрганилаётган фан мантиқидан ажратилмаган. Таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва услубларига хос ғоялар алоҳида китобларда берилмай, балки бевосита амалда, биронта фанда аниқ билим, иқтисод ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида ёритилади. Қомусий олимлар асарлари лотин тилида ўрта аср Оврўпо университетларида ўқув қўлланмалар сифатида қўлланилгани аниқ. Яъни бу асарлар табиий ва ижтимоий илмлар билан бир қаторда умумпедагогик ва хусусий услубий илмларни ривожлантириш учун асос бўлган. Абу Али ибн Синонинг педагогик ғояларга тўла «Зийракли — Тирик ўғлон» асари испан адиби Ибн Туфайлининг «Якзон ўғли Хайя» ҳақидаги повестининг ёзилишига асос бўлади. Бу асарлар лотин тилида нашр қилинган бўлиб, Ж. Ж. Руссо-га таниш эди. У ўзининг «Эмиль ёки тарбия ҳақида» асарини ёзишда юқоридаги китоблардан фойдаланган. Испаниянинг педагогик олими Гундисалва (XII аср) «Фалсафанинг бўлиниши» асарида Ал Форобийнинг «Фанлар саноғи» асарини лотинчага иждодий таржима қилади. Гундисалва бўйича илмий билиш борлиқни, тажриба асосларида ўрганишдан кейин гипотетик тахминларга индуктив ёки дедуктив хулосалар чиқарилиб, тажрибада синаладн. Яъни яна амалиётга қайтилади. Демоқчимизки, В. И. Ленининг «жонли мушоҳадаси абстракт тафаккурга»... ғояси у киши туғилмасдан бир неча аср олдин бизнинг боболаримиз томонидан ғаҳмин қилинган.

Оксфорд университетининг профессори Роджер Бакон (XIII аср) Ал Форобий ва ибн Синоларнинг ҳулосаларини чуқурлаштириб, ўзининг «катта», «ўртача» ёки «кичик» қомусий китобларини ёзади. Бу асарлар, шубҳа йўқки, Оврўпода тарқалади ва маълум даражада XV — XVI асрларда педагогикадаги пансофик ҳаракатга туртки беради. Пансофик ҳаракатининг ёрқин намояндаларидан бири чет эл педагоги Ян Амос Коменский эди.

1992 йил Юнеско Я. Коменский йилини ўтказади. Албатта, XVI асрда яшаб ижод қилган Я. Коменский педагогиканиг дидактикасини ривожлантиришга, таълимда масъул ўқув плани, ўқув йили, синф-дарс системасини татбиқ этишга катта ҳисса қўшган. Албатта, ҳозирги муаҳассисларни оммавий тайёрлаш шароитида таълимни ташкил этишнинг синф-дарс системасидан бошқа шакли таклиф этилгани йўқ. Лекин Ўрта Шарқда, IX асрда ҳали Оврўпонинг кўп жойларида, жумладан, Россияда ҳуснихат ишлатилмаган бир вақтда кўҳна Хивада — Маъмун академиясида қанча-қанча тиббий, табиий, астрономия, математика, коинот илмлари бўйича йирик фан намоёндаларини Ал Беруний раҳбарлигида синф-дарс системасисиз тайёрланганлиги кишини ҳайратга солади.

XIX асрда Россия Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганидан бошлаб ва, айниқса, октябрь революциясидан кейин бизнинг мактабларимизда ўзига хослик йўқолди. Ҳамма жойда «бир хил ўроқ» билан ўрилди. Ўзбек мактаби «Кодимиская школа»га айланди, рус-тузем мактаблари кўкларга кўтарилиб, унинг намоёндалари ўзбек халқининг миллий ифтихорига айлантирилди.

Нима учун ҳозир ҳам дин намоёндалари ваъз қилганида ҳамма ҳайратда, жим қулоқ берамиз. Нима учун ваъзхонликда, сўзамолликда институт ўқитувчиси ёш муллаваччага бўш келади. Чунки ўша «эски» деб номланган мактабда нутқ маданиятини ўстиришга алоҳида аҳамият берилади, домладан кўра ўқувчининг овози таҳсил давомида кўпроқ эшитилади. Нутқ маданияти ортади, маъруза давомида фикрлаш малакаси пайдо бўлади.

Қоҳира университетига кирувчилар дастлаб «Қуръони Карим»ни топширишар экан. «Қуръони Карим»нинг тўлиқ матнини ҳар куни 16 соатдан уддама ўқилса, икки ҳафта ўқилади. Шунча катта матнни ёддан, қироат билан ўқишни билиш ва университет талабаларига дунёвий илмларни ўрганишига зараридан кўра фойдаси кўпроқ бўлса керак. Бу билан биз ҳамма Қуръонни билиши керак, ҳамма диндор бўлиши керак, демоқчимасмиз Эски «схоластик» деб ном олган мактабларимизнинг ижобий томонларидан фойдалансак деган мақсад бор.

Масаланинг яна бир муҳим томони — нутқ маданияти, яъни нотиқлик муаммосидирки, ёшларимиз, айниқса, балоғат ёшидаги ўспиринлар, ундан юқорилари ҳам баҳсда, ҳамиша оддий шароитларда ҳам бир-икки сўз алмашувидан кейин баланд овозга, кейин ҳақоратга, кейин эса куч ишлатишга ўтиб кетишади. Ёш ўтавергани сари овоз бўшлиқлари «қота беради», одам тажанг бўла беради, ташқи таъсир тезда руҳий ҳолатга таъсир этадиган бўлиб қолади.

Шарқ мутафаккирларидан Жалолиддин Давоний «Ахлоқ бу ироданинг маҳсули» деган эди. Шундай ибораларни Ал Беруний, ибн Синода ҳам учратиш мумкин. Бу ибораниг тагида жуда катта маъно ётади. Андишанинг оти ҳақиқатда ҳам қўрқоқлик ёки андишалилик, босиқлик, тўзимлилик, бу иродавийлик, кучлилик белгисими? Бир гапдан қолишлик бу қўрқоқликми ёки маданиятлиликми? Бу ва шунга ўхшаш хислатлар тушунчаси биз мақоламиз бошида келтирилган умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонлардан ҳисобланади.

Ҳадислар бутун мусулмон мамлакатлари каби бизда ҳам яқин ўтмишимизга тарбиянинг асоси қилиб олинган. Бундай ёндашиш ҳақли равишда ўзини оқлаб келган. Бизнинг фикрларимизни шаккокликка йўйилмаса-да, масалага бошқачароқ ёндашсак. Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳулқи, одоби, турмуш тарзи кундалик ҳаётининг тафсилотидан иборат ҳадислар ҳозирги кунда бизнинг шароитимизга қандайин тўғридан-тўғри кўчирилиши мумкин, тарбиянинг тўлиқ асоси деб қараш нечоғлик тўғри бўларкин?

Таълим ва тарбиянинг мафкурасини белгилайдиган кишилар шахсий хислатлари пардасини бир оз очсак, бизнинг назаримизда қуйидагилар яққол кўринади. Тўғри тарбияга молик умуминсоний ижобий хислатларни олти қиррали деб тасаввур этиш мумкин.

Биринчидан, шахснинг умумий хислатлари: ёқимлилик, кўркамлилик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлик, салобатлилик, ривожланганлик, ҳурматга сазоворлик, шойроналик, руҳланганлик, улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

Иккинчидан, шахснинг ахлоқий хислатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, куюнчаклик, одамийлик, болажонлик, имонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлик, очиқ юзлик, кечиримлик, меҳмондўстлик, хушахлоқлик, ҳамжиҳатлик ва бошқалар.

Учинчидан, ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳафсалалик, серҳаракатлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, ин софлилик, малакалилик, беками кўстлик, сифатлилик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-саришталик, ботаётиблилик, тадбиркорлилик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик ва бошқалар...

Тўртинчидан, зукколик, идроклилик хислатлари: зеҳнлилик, бомаънилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, асослилик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, лўндалик, нотиқлик, танқидийлик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик ва бошқалар.

Бешинчидан, собитлик хислатлари: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, куйдипишдилик, жўшқинлик, зардалилик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, эрксеварлик, жиддийлик, нафсини тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш ва бошқалар.

Олтинчидан, эҳтиросли лик хислатлари: некбинлилик, кўтаринкилик, тантановорлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, ишонувчанлик, хаёлчанлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, мушфиқлик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, уятчанлик, ҳижолатлилик, иффатлилик ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ижобий хислатлар сони мингдан ортиқ. Тарбия мафкурасининг мақсади мана шу хислатларни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни, ҳадислар, ойла, маҳалла, анъанавий удумлар, тўй, аза, маъракаулфат ва бошқа кам гуруҳли ва кўп сонли одамлар иштирок этадиган йиғинлар, сайллар, меҳмондорчилик, меҳмон кутиш, оммавий ахборот воситалари, афсоналар, романлар ва бошқалар восита бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳамма мамлакатлар ҳам ана шундай ижобий хислатларни ўз халқида шакллантиришга ҳаракат қилади. Ана шу маънода тарбиянинг умумий мақсади дунё педагогик жараёнида ягона мақсадга — умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади. Фалсафа фани, унинг турлича қарама-қаршиликлари, турли оқимлари, назариялари билан бирга ягона бўлганидек, педагогика ҳам умумий мақсади бўйича дунёвий педагогик жараёнда ягона, бир жинсли деб қаралади. Гап ана шу мақсадларга қандай воситалар билан қандай кетма-кетликда ва қайси маънода эришишга боғлиқ. Бир мамлакат таълим ва тарбиянинг бир шаклини танласа, иккинчиси ўзгачароқ, учинчиси яна бир бошқача йўл тутади. Шу, жумладан, халқнинг, элатнинг ўз удуми, одати, турмуш тарзи бор. Мана шу каби ўзига хослик таълим ва тарбиянинг ўзига хос шакл, восита ва услубларини, халқнинг умумий маданиятини белгилайди.

Юқорида белгиланган хислатларнинг баъзилари, масалан, оқибатлилик, болажонлик, андишалилик, имонлилик кабилар ўзбекларга кўпроқ хос хислат. Лекин бу ҳислатлар фақат ўзбекларда бор, дейиш нотўғри бўлар. Шунинг учун юқоридаги мингдан ортиқ хислатларни алоҳида махсус ажратиб кўриш (айрим мутахассислар 5—6 хислатни олишади) ёки фақат 20 га яқинини (коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси) ёки фақат миллий педагогика деб қараш («Ўзбек миллий мактаби», «Мовароуннаҳр педагогикаси» каби ёндашувлар) дунё педагогик жараёнидан четга сурилиб, чиқиб кетишга олиб келади.

Ал Форобий, ибн Сино каби мутафаккирларнинг бой меросини ўрганар эканмиз, таълим ва тарбия масаласида биронта жойида, биронта сўзида ўзбек, эрон, тожик ёки бошқа миллатга хос ёки мос биронта фикрни топа олмаймиз. Шунинг учун ҳам бутун дунё халқлари уларнинг меросидан суюниб фойдаланишади, авлодлар хотирасида барҳаётдирлар.

Усмонали НИШОНАЛИЕВ.

Ўзбекистон — Туркия

ҚАРДОШЛИКНИНГ ЯНГИ РИШТАСИ

Ўзбекистоннинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаётган, унинг истиқболи йўлида катта маънавий ва амалий ёрдам кўрсатаётган туркиялик қардошларимиз азалий дўстликнинг яна бир янги саҳифасини очдилар. Туркиядаги «Арт» хусусий нашриётида ўзбек адибларининг романлари турк тилида чоп этилди.

Тилимиз, дилимиз, тарихимиз, демакки, маданий ҳаётимиз ҳам муштарак бўлган турк биродарларимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё», «Улуғбек хазинаси», Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» насрий асарларини энди ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлишди. Бу ишда таржимон Эҳсон Ботирнинг хизматлари, айниқса, таҳсину олқишга сазовор бўлди.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган Туркия билан маданий алоқаларимизга доир йиғилиш қардошларимизга тухфа этилган ўзбек романлари муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол йиғиннинг моҳияти ва тарихий аҳамияти ҳақида гапириб:

— Туркияда «Туркия Туркистоннинг чўғузидир!» — дейишади. Бу дегани, Туркия Туркистоннинг фарзанди, дегани. Ҳақиқатан ҳам турк биродарларимиз ўз ота юртларининг, ўз аждодларининг бугуни ва ўтмишига катта қизиқиш билан қараётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўзбек романларининг Туркияда, турк тилида чоп этилиши ҳам ана шу ҳурматнинг бир белгисидир, — деди.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори Бобохон Шарипов, «Арт» нашриётининг директори Яшар Дурур, ёзувчи Одил Ёқубов, шоир Шукрулло, туркиялик ёзувчи Собир Сайхон ва бошқалар икки қардош халқнинг ҳар томонлама тикланаётган иқтисодий, маданий алоқалари хусусида самимий фикрлар изҳор этишди. Туркиялик таржимон Эҳсон Ботирнинг ниҳоятда қисқа фурсат, яъни 6 ой ичида тўртта йирик ўзбек романини ҳассослик билан турк тилига таржима қилишга улгургани ҳайратланарли ҳол эканлигини, бу юртга чуқур муҳаббат ифодаси эканлигини эътироф этишди.

Туркия республикасининг Ўзбекистон республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур жаноблари икки қардош халқ ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасида айни кунларда қилинаётган, режалаштирилаётган ишлар хусусида гапириб берди.

Йиғилиш аҳли таржимон Эҳсон Ботирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига киритишга қарор қабул қилди.

З. УСМОНОВА.

ЎҚИТУВЧИ МАЪНАВИЯТИ ҲАҚИДА БАҲС

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни турмушга татбиқ этиш тер тўкиб ишлашни, ижодкорликни талаб этмоқда. Шу мақсадда республика Ўқитувчилар уйида «Ҳозирги замон ўқитувчисининг маънавий қиёфаси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини республика Ўқитувчилар уйи директори Қодирхўжа Фозилхўжаев бошлаб берди. У ўқитувчилар зиммасига юкланган вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Шундан сўнг давра суҳбати қатнашчилари ўқитувчи маънавий қиёфаси, ишга садоқат масалалари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Абдумалик Жабборов, «Халқ таълими» журнали бўлим муҳаррири:

— Дарҳақиқат, одамнинг инсонлиги унинг ақл-заковати, фаҳми-фаросати, билими-ю тажрибаси орқали намоён бўлади. Бу ўринда ёшларга одоб, таълим берувчи ўқитувчи барчага ҳар томонлама намуна бўлиши зарур.

Ўқитувчи ҳаёт билан баробар олга юриши керак. У кундалик хабарларни фақат катталарга эмас, балки ёшларга ҳам қизиқарли қилиб тушунтирмоғи лозим. Замонамиз ўзгариши билан дарсликлар, дастурлар ҳам ўзгарди. Бироқ янги дарсликларнинг ҳаммаси чоп этиб улгурилганича йўқ. Шу туфайли кўпчилик ўқитувчилар айрим фанлардан дарсликлар бўлмагани учун қийналмоқдалар. Аммо ҳозирги қийинчиликларни яхши тушунган ташаббускор педагоглар «Халқ таълими» ойномасида босилаётган мақола ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиб, йиллик дастур талабларини муайян даражада бажаришга эришмоқдалар. Бироқ минг афсуски, «Маърифат» рўзномаси, «Халқ таълими» ойномасига кўпчилик ўқитувчилар ўз вақтида обуна бўлмаганлар. Оқибатда, халқ таълими тизимидаги янгиликлар билан таниша олмай қолмоқдалар.

Ҳокимжон Ҳошимов, халқ ўқитувчиси, Тошкентдаги 22-ўрта мактаб директори:

— Мактабимиз пойтахтдаги энг йирик билим масканларидан бири. Унда 2 мингдан ортиқ ўқувчиларга 150 га яқин педагог дарс бериб келмоқда. Ўқитувчиларимиз орасида фахрий педагоглар ҳам бор. Улар кўпроқ ёш ўқитувчиларга ёрдам кўрсатишаётир. Кузатишимча, агар мактабда ўқитувчи болаларни севиб, уларга яхши дарс берса, ўқувчиларнинг кўпчилиги педагогика ўқув юртларига кириб ўқишаркан. Бу билан демоқчиманки, ўқитувчилик касбини севишни мактабдан бошламоқ зарур.

Мен мазкур давра суҳбатида таълим-тарбия ишида юз бераётган баъзи нуқсонлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтмоқчиман. Илгарилари мактаблар, китоб дўконлари ва маданият уйларида китобхонлар билан тез-тез учрашувлар бўлиб турарди. Ҳатто бундай учрашувларни яхши ташкил этиш учун ёзувчилар уюшмасидан бириктирилган ходимлар бўлиб, бунда кўпроқ болалар ёзувчилари ташриф буюришарди. Кейинги вактда нима учундир бундай тадбирлар тўхтаб қолди. Шу сабабли ҳам болалар ўртасида китобхонлик пасайиб, инсон учун зарур бўлган маънавий онг, тушунча тубанлашиб кетди.

Давра суҳбатида республика фахрий педагоглар жамоаси раиси Ш. Гадойбоев, вилоятлардан келган муаллимлардан Иштихон туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси Н. Усмонова, Тўрткўл туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Қ. Эрназаров, Бухоро ўқитувчилар малакасини ошириш институти методисти Ф. Сафаргалиева ва бошқалар ҳам ўз туманларидаги мактабларда учраган ютуқ ва камчиликларни айтиш билан бирга ҳозирги давр ўқитувчисининг маънавияти ҳақида фикр-мулоҳаза ва истакларини баён этдилар.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ, Ғ. МИРЗАЕВ.

• *Сув ҳақида нима биласиз?*

ҲАЁТ МАНБАИ

Сув — табиатнинг инсонлар учун тақдим этган олий ва беқиёс туҳфаси. У мўъжизакор хоссаларга эга. Улардан бири «ўзини-ўзи тозалаш» хусусиятидир. Шу боисдан халқимиз «Сув етти думаласа ҳалол», дейди. Сувнинг ўзўзини тозалаш хоссаси, албатта, бебаҳодир. Лекин бунинг ҳам чегараси бор.

Сайёрамизда яшаётган одамлар сони йил сайин эмас, балки кун сайин ошиб бормоқда. Ишлаб чиқариш воситалари мураккаблашиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги шитоб билан тараққий этмоқда. Бинобарин, улар фаолияти сувга таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан кейинги йиллар давомида олимлар сувни нфлосланишдан сақлаш устида жиддий шуғулланмоқдалар. Одатда осонгина «нфлос»ланган сувларни тоза — ичимлик ҳолатига келтириш шундай бир мураккаб ва қийин муаммоки, уни енгиллик билан ҳал этиб бўлмайди.

Баъзи олимлар нфлос сувни кимёвий моддалар, айримлари эса турли тозалаш ускуналари — фильтрлар қуриш ёрдамида тозалашни илгари сурадилар. Лекин бу икки усулда ҳам кимёвий моддалар нфлос сувларни тозаласа-да, аслида сувдаги ҳаёт — ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, қолаверса, уларни истеъмол қиладиган инсонларга қанчалик зарар кўрсатиши тўла-тўкис ўрганилмаган.

Маълумки, микроорганизмлар ва бактериялар сувда яшайди ва унинг тозалиги учун асосий омиллардан ҳисобланади. Масалан, сув ўсимликлари карбон газини ютиб, сувни кислородга бойитса, гидробионт (бактерия)лар сувдаги ортиқча «қўшимчалар»ни тутиб, озиқланади.

Сув ўсимликлари, сув ишқорли бўлса, уни нордон бўлишига, кескин нордон бўлса, уни мўътадил ишқорли бўлишига фаол хизмат қилади. Сув ўсимликлари яшариши ва ўсиши жараёнида сувни турли фойдали витаминлар, ферментларга бойитиб, ёқимли ҳид ва ранг бахш этади. Шу боисдан дарё ва кўлларнинг «яшаш» ҳолати учун улар ичидаги микроорганизмлар маҳсулоти — органик моддаларнинг роли каттадир. Кўп йиллар давомида бу моддаларга бефарқ қаралиб, инерт масса деб ҳисоблаб келинди. Лекин микробиологларнинг кейинги йиллардаги текширишларига кўра, улар сув муҳитининг экологиясида ўзига хос энергетик марказ — мағиз бўлиб чиқди. Сувда қанча органик моддалар кам бўлса, ундаги «ҳаёт» шунча оз бўлар экан.

Умуман, Ерни сув сайёраси деса бўлади. Ер сайёрасининг сув заҳиралари 1454 миллион куб километр деб баҳоланади. Лекин бунинг 94 фоизи уммонлар ва денгизларда жойлашган бўлиб, улар ичида яроқсиз шўр сувлардир (Уммон сувларининг бир литрида 36 грамм туз бўлса, баъзи бир денгизларда, масалан, Қора денгизда 18 грамм, Каспийда — 12 граммгача, Собиқ Орол сувида 8—10 грамм туз бўлган). Қолган 2 фоиз сув музликларда сақланса, 4 фоизи ер ости сувларидир. Инсонлар учун зарур бўлган ичимлик оқар дарё ва кўл сувлари эса 0,0002 фоизни ташкил этади.

Ҳисобларга кўра, сайёрамиздаги ҳар бир инсон учун умумий заҳирадан 330 миллион метр куб оби-ҳаёт тўғри келса, ичимлик сувидан 9.000 метр куб тўғри келади. Юзаки қараганда охирги миқдор кўпга ўхшаб кўринади. Лекин дарёлар, кўллар ва музликларнинг «яшаши» ҳам керак-ку! Улар сувининг борини олиб қуритиш мумкин эмаслиги кўпчиликка аён. Масалан, Москвада яшовчи бир киши учун ҳар куни 700 литр, бир йилда 252 метр куб сув керак бўлса, Тошкентда яшовчи бир одам учун кунига 400—500 литр сув керак бўлади. Шу нуқтан назардан мўл ва кам сувли йилларни ҳисобга олиб қаралганда, оқар сувлар заҳираси саноқли ва унча кўп эмас.

Ер ости сувлари (тупроқдагиси ҳам)-заҳираси 60 миллион километр куб ҳисобланиб, уларнинг 28 миллион километр куби 80 метр ва ундан ҳам чуқурликда жойлашган. Бу сувларнинг бир қисми эса юқори даражада минераллашганлиги кўпчиликка маълум, яъни бир литрида тахминан 1—3 грамм минерал тузлари сақланади. Умуман, олганда, ер ости сувлари нисбатан тоза ва ифлосланишдан сақлангандир. Лекин кейинги йилларда кишилар фаолиятининг «нфлос қўллари» ер ости сувларига ҳам етиб бормоқда. Бунга биргина Фарғона ҳокимиятига қарашли ер ости сувлари (Қиргули тумани) яққол мисол бўла олади.

Сувларнинг табиий ва асосий кимёвий таркиби ундаги эриган макро ва микро кимёвий компонентлар миқдори билан аниқланади. Улар ичида биринчилар — кальций, магний, натрий, хлор бирикмалари, олтингугурт ва карбон кислоталари ҳисобланиб, уларнинг кўп-озлигига қараб сув класслари (сифатлари) аниқланади. Шунга кўра, сувлар хлорли, сульфатли, гидрокарбонатли класслларга бўлинади. Агар сувлар хлорли ва сульфатли бирикмаларга нисбатан бой бўлса, уларни «қаттиқ» сув дейилса, қолганларини кам туз сақлайдиган сув деб юритилади. Бир литр сув таркибида 100 мг дан 1 граммгача туз сақланса, уларни мўътадил минераллашган сув, 100 мг гача тузи борларини эса оз минераллашган сув деб юритилади.

Ер сатҳида сув заҳираларини сақланишида бутун жаҳон сув айланма ҳаракати катта аҳамият касб этади ва бу миқдор бир йил ҳисобида 525 минг куб километрга тенг келади. Унинг 86 фоизи дунё океанлари ва ички денгизлар сатҳидан буғланишига тўғри келади. Қолган қисмини ер-қуруқлик сатҳидан буғланиш ташкил этади. Ҳар йили дунё океанлари сатҳидан 1256 миллиметрга тенг сув қатлами буғланиб атмосферага кўтарилади ва бу миқдор тўла-тўкис яна океанга қайтмай, сув буғларидан ташкил топган булутлар қуюқлашиб, қуруқликдаги ичимлик суви манбаига айланадилар. Дунё сув «қозонини» қайнатиб буғлатувчи восита — бу қуёшдир. Олимлар ҳисоб-китобларига кўра, бу хизмат учун ер сатҳига келаётган қуёш энергиясининг бешдан бир қисми сарфланар экан.

Ичимлик суви ёки қайта ишланган сувнинг ҳам ўз стандарт мезони мавжуд. Ана шу мезонга кўра, бир литр сув таркибида алюминий 0,5 миллиграмм, бериллий — 0,0002, молибден 0,25, маргимуш — 0,05, полиакриламид — 2,0, қўрғошин — 0,03, селен — 0,001, стронций — 7,0, фтор — иқлим шароитига қараб 0,7 — 1,5 миллиграммдан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари, сувнинг органолептик хоссасига таъсир қилувчи кимёвий элементлар — темир — 0,3 миллиграмм, марганец — 0,1, мис — 1,0, полифосфатлар — 3,5, рух — 5,0 миллиграммдан ошмаслиги шарт. Сувнинг ишқорлиги ёки нордонлиги 6,0 — 9,0 ўртасида бўлмоғи шарт.

Умуман, сув — ҳаётий зарурат. «Сув бор жойда ҳаёт бор», деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Шундай экан, сувни бекорга исроф қилмаслик, уни ифлослантиришни катта гуноҳ деб билиш, сув заҳираларини асраб-авайлаш, оқар дарё ва кўллар сувини табиий тоза ҳолатда муҳофаза қилиш ҳар бир мамлакатимиз фуқаросининг муҳим бурчидир.

Сувни нондек эъзозлашни ўсиб келаётган ёш авлодга англатиш, у Ватанимиз, она сайёрамизнинг бебаҳо бойлиги эканлигини тушунтириш ҳар бир муаллимнинг, мураббийнинг, ота-онанинг муқаддас вазифаси бўлмоғи зарур.

Мирмажид ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Экологик таълим ва тарбия бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолди. Шу йилнинг 20—22 октябрь кунлари Тошкентда таълим-тарбиянинг бу йўналишидаги етилган муаммолар муҳокамасига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказишга тайёргарлик бошлаб юборилди.

— «Экологик таълим ва тарбия муаммолари» мавзуидаги бу анжуманни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Экология ва саломатлик жамғармаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Тараққиёт» илмий-техник уюшмаси биргаликда тайёрлашмоқда — деди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ходими Фаҳриддин Шамсиев. — Уни ўтказиш заруратини изоҳлашга ўрин йўқ. Аввало, аҳолининг экологик таълими ва тарбияси услуб ва усулларини аниқлаб олмасдан туриб, бу ишни ҳозирги талаблар даражасида йўлга қўйиб бўлмайди. Анжуманда Ўзбекистон олимлари, мутахассислари муаллимларимизнинг бу борадаги изланишлари умумлаштирилади, экологик маданият ва саводхонликни ошириш йўллари белгиланиб олинади.

Конференцияда табиатни муҳофаза қилишга оид таълим-тарбиянинг узлуксиз тизимини ташкил этишнинг услубий, илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, педагогик асосларини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Ҳозирдаёқ ташкилий қўмитага ўнлаб маъруза матнлари тақдим этилди. Улар кўриб чиқилиб, конференция иши учун асос қилиб олинмоқда. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ташкилий қўмитанинг ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда. Конференцияда қатнашиш истагини билдирган мутахассислар қўшимча маълумот олиш учун Тошкент шаҳар, Олмазор кўчасидаги 174-уйга мурожаат қилишлари мумкин.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

СЎЛИМ МАСКАНЛАР

(Боши 1-бетда).

«СОЛНИШКО» — «ҚУЁШЖОН» ДЕГАНИ...

Биргина «Солнишко» лагерининг ҳудуди 18 гектарни ташкил этади. Бу оромгоҳни Қувасой цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз оталиғига олган. Йўлланмалар нархи ҳар бир бола учун 18 минг сўм, дам олувчилар шу пулнинг 750 сўмини тўлашади, қолгани бирлашма касаба уюшмаси томонидан қопланади.

Лагерда катта бассейн, болаларнинг турли хил ўйинларни ўтказишлари учун мўлжалланган майдончалар бор. Хуллас, бу ерда ҳамма нарса фаолликни оширишга, саломатликни мустаҳкамлашга, яхши ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган. Ўқувчилар бўш вақтларида расм чизадилар, хоналарни мустақил равишда безатишади, бир-бирларининг хатларини турли тилларга таржима қилишади, президент ва ҳукумат раҳбарлари ролига кириб, «мамлакатни бошқаришади».

Бундай ютуқларнинг боиси нима, деган савол туғилиши мумкин. Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Яъни, мазкур ишларни бошқариш ниҳоятда пухта тузилган, холос. Масалан, лагерларга оталиқ ташкилотларининг берадиган ёрдами Қувасой шаҳар ҳокимияти томонидан назорат қилиб борилади. Шаҳар ҳокими Даврон Искандаров билан суҳбатлашганимизда, у киши янги ўқув йилига тайёргарлик, болаларни дам олиши масаласига алоҳида эътибор билан қараётганини айтди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Музаффар Бозоров, халқ таълими бўлими мудирининг муовини Исмоил Отажонов ҳам дам олиш масканларидан тез-тез хабар олиб туришар экан. Буни лагерлар ходимлари бизга мамнуният билан айтишди.

Лагерда ҳамма нарса дуруст, кишини анча хотиржам қилади, лекин унинг номи ҳозирги кунларда ўзига муносиб эмасга ўхшайди Ахир, «Солнишко» — «Қуёшжон» дегани эмасми? Бизнингча, бу ерда ортиқча шарҳловларга ўрин бўлмаса керак.

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

Фурқат туманининг ташкил топганига икки йил тўлди. Шу қисқа фурсат ичида бу ерда кўп хайрли ишлар қилинди. Агар шу мавзу доирасидагина фикр юритадиган бўлсак, 5 та мактабда ёз мавсумида соғломлаштириш лагерлари очилиб, жами икки минг бола дам олиши режалаштирилган. Шароитлар етарли, лагерларнинг моддий асоси ҳам энг яхши оромгоҳларникидан кам эмас. Муҳими — у ерда дам олувчиларнинг руҳи анча кўтаринки.

Шунингдек, туман ҳудудида хўжаликлар қошида очилган «Ёшлик» ҳамда «Навбаҳор» лагерлари ҳам фаолият кўрсатаяпти. Бу оромгоҳларга «Қўқон» давлат хўжалиги ва Фурқат ширкатлари уюшмаси оталиқ қилади. Шароитлар яхши, лагерлар ҳудуди жуда сўлим, озода, хоналар дурустгина жиҳозланган, дид билан безатилган. Болаларга сервитамин, каллорияси кучли овқатлар бериляпти. Ҳар бир ўқувчи учун йўлланма нархи 16 минг сўм туради. Буни оталиқ ташкилотлари тўлаяпти.

Тумандан ташқаридаги оромгоҳларда маорифчиларнинг 50 нафар фарзанди ҳам дам олаяпти. Бунинг харажатларини туман маорифчилари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тўланяпти.

ЭЪТИБОР

Ўхшаш манзарани қарангки, бу ерда ҳам таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор билан қаралар экан. Туман ҳокими Боротали Абдуллаевнинг «Маориф иши раҳбарлик ишининг ажралмас қисми, ҳолбуки, мен бу борадаги муаммолар билан ҳар куни шуғулланаман», дейиши бежиз эмас.

Туман халқ таълими бўлими мудири Рустам Меликўзиев, туман маорифчилари касаба уюшмаси раиси Меҳмонали Йўлдошев деярли ҳар куни бир марта лагерлардан хабар олиб туришади. Бунинг эса ўзига хос ижобий томонлари бор

Биз кузатувлар сўнггида чиқарган хулосаларимиз билан ўртоқлашиш учун вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов билан суҳбатлашдик. У киши биз мақола давомида келтирган баъзи бир камчиликларга тўлиқ қўшилди, уларни тўлдириш борасидаги кенг қамровли, далилларга асосланган режаларини айтди. Умуман, олганда, бошқариш қаерда пухта бўлса, ўша ерда иш олдинга юришини кундалик ҳаёт исботлаб турибди. Бошбошдоқлик бор жойда эса қут-барака бўлмайди. Турсунали Қурбонов бизга ана шуларни таъкидлади.

Ҳа, Фарғона вилоятида ўқувчиларнинг ёзги таътилларини фаол ўтказишларини ташкил қилиш борасида яхши тажрибалар тўпланган, дея баралла айтиш мумкин. Биз буни вилоятнинг икки қирғоғига жойлашган шаҳар ва тумани мисолида қисман таърифлашга уриндик. Мана, эътибор беринг, бундай тажрибанинг асосий жиҳатлари нималардан иборат:

1. Лагерлар ишини ягона режа асосида ташкил этиш.

2. Бошқаришни кучайтириш, такомиллаштириш.

3. Ҳокимият ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигини янги, мустаҳкам поғонага кўтариш.

4. Оталиқ ташкилотларининг ёрдамини кучайтириш ва буни мунтазам кузатиб бориш.

5. Жамоатчилик юзини тарбия ва таълим мақсадлари сари буриш.

6. Тарбиявий ва таълимий ишларни илмий асосда ташкил этиш ва ҳоказолар.

Фарғонага борган киши бундай ишларнинг жонли гувоҳи бўлади ва ҳозирги тақчил шароитга қарамай, келажагимиз ворисларининг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун қулай имконият ярата олган жонкуяр раҳбарлар шаънига кўп илиқ сўзлар айтади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Аккранинг таслим бўлиши (1191 йил). Илгари асир тушиб, тўланган хун ва бошқа ҳеч қачон қарши курашмаслик тўғрисидаги ваъдаси учун Салоҳиддин томонидан озод этилган қирол Гай овруполик қироллар ҳужумга ўтганликларини эшитиб, лафзидан кечди. У ўз одамлари ва Фредерик қўшини билан келиб Филипп яккинчига қўшилди. Салиб юришчилари денгиздан, қирол Гай қуруқликдан туриб Аккрага ташландилар. Буни эшитган Салоҳиддин насроний лар нинг қуруқлик томонидаги қўшинларини йўлидан супура бориб, шаҳарга ёрдамга шошилди. Лекин денгиз тарафдан қамал давом этарди. Шу аснода қуршов қатнашчиларига Ричард қўшинлари ҳам мададга етиб келиб, насронийлар қудрати яна ҳам ошиб кетди. Мусулмон ҳарбий кучлари шаҳар ичидан туриб кураш олиб бораётган эдилар. Салоҳиддин эса уларга ташқаридан ёрдам кўрсатарди. Лекин барибир насронийларни қувиб чиқаришга муваффақ бўлинмади. Салоҳиддин ёрдам сўраб ҳалифага ва бошқа мусулмон подшоҳларига мурожаат қилди. Бироқ ҳеч ким етиб келмади. Икки йиллик қуршовдан кейин шаҳар таслим бўлиб, Султон Салоҳиддинни қаттиқ изтиробга солди.

Таслим бўлиш шартлари. Насронийларнинг учта шарти бўлиб, мусулмонлар уларни қабул қилишга рози эдилар:

а) 200.000 пасо тилла пул тўлаш;

б) насронийлар таълимотида айтилганидек, Иисо чормих қилиб тортилган Муқаддас Хочни қайтариб бериш;

в) пулларни бир ой муддат ичида тўлаб бўлиш.

Шундай катта қарздан қутулиш учун бир ой жуда оз муддат, Салоҳиддинда эса уни бирданига узиш имконияти йўқ. У яна ёрдам сўрашга мажбур бўлди, бироқ вақт жуда зиқ. Шунда Аккра аҳолиси ўз бисотидаги пуллар ни йиғиб берди. Салоҳиддиннинг ўзи ҳам бутун мол-мулкини шунга бағишлади. Ойлик муддат эса ўтган эди. Натижада Ричард — Шер юрак 3000 шаҳарликни чопиб ташлашга буюрди. Қирол учун мутлақо номуносиб бу иш билан у ўз номига қора тортди.

Салоҳиддиннинг олийжаноблиги. Икки йил бурун Куддусни қайтариб беришда Ричард Салоҳиддин тутган йўлга бутунлай тескари қилиқ кўрсатганди. Ричарддан фарқли равишда Салоҳиддин эса мусулмонларга ҳам, босиб олган шаҳарнинг насроний аҳолисига ҳам бир хил ҳиммат кўрсатиб, ғайридинларга солиқ солишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу инсоният тарихида ноёб намуна бўлиб, Салоҳиддин кўплаб марта ана шундай иш тутди. Унинг табиатига хос бундай олижаноблик фазилатларини ҳатто овруполик подшоҳлар ҳам юксак қадрлади. Ричард I Салоҳиддиннинг бундай қилмишидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, унинг укаси ал-Малик ал-Одилга синглисини жуфти-ҳалолликка олишини таклиф этди. Унинг амакиваччаси Комилни эса тантанали равишда рицарлар сафига қўшиб, «Бани» номли энг олий инглиз нишони билан тақдирлади. Ҳеч қачон бир-бирларини кўрмаган бўлсалар ҳам, совға-саломлар алмашдилар. Шу тарзда улар, яъни салибчиларнинг саркори билан Салоҳиддин ўртасида ўзаро ҳурмат ва самимият давом этиб, 1192 йилда тинчлик битими тузилишига олиб келди. Насроний зиёратчиларининг Куддусга бемалол келиб-кетишларини таъминлаш ва олган ҳамма нарсаларни ҳамда зиёратчиларга дарак ерларни қайтариб бериш ваъдаси шу битимнинг асосий моддасини ташкил қилди.

Салоҳиддиннинг феъл-атвори. Салоҳиддин шундан кейин бир неча ой ўтиб вафот этганида ҳамма жойда мотам тутилди. У буюк жангчи, ажойиб подшоҳ, олижаноб рақиб, санъатнинг саҳоватли ҳомийси, маърифатли мусулмон ва Ислом учун улуғ курашчи эди. Салоҳиддин янги йўллар қурдирди, суғориш шохобчаларини бунёд эттирди, мактаб ва мадрасалар очдириб, уларни барча зарур нарсалар билан таъминлади. Шунингдек, Коҳира қўрғонини ҳам бунёд эттирдики, у ҳозиргача чирой очиб турибди. Дамашқда таъсис этиб, жиҳозлатган Айюбий дорилфунуни кўп асрлар давомида фан ва маърифатнинг машҳур ўчоғи бўлиб келди. Салоҳиддин Овруполо учун мангуга жувонмардлик намунаси бўлиб қолди.

Салоҳиддиннинг вориси — ал-Одил (1192-1218 йиллар). Салоҳиддининг уруғи айюбийлар империясини ўзаро бўлиб олди. Унинг катта ўғли ал-Малик ал-Афал ўзига Шомни танлади, айюбийлар ичида энг қобилиятлиси бўлган ал-Малик ал-Одил — буюк Салоҳиддининг укаси ва ўринбосари Мисрга эга бўлди, шунгача эса у қатъиятсиз ал-Афалдан Шомни ҳам қабул қилиб олганди. Юксак маълумотли бу ҳукмдор Овруподаги кўплаб давлатлар билан элчилик ва савдо алоқаларини боғлаб турди. У 26 йил (1192-1218 йилларда) ҳукм суриб, айюбийлар унвони ва шон-шуҳратини улуғлаб келди. Ундан кейин тахтга ўтирган ўғли ал-Комил ҳам яхши бошчилик қилди. Лекин Комилдан сўнг айюбийлар ўзаро жанжаллар билан бўлишиб, аста-секин ҳолдан тойдилар. Натижада Салоҳиддин вафотидан 40 йил ўтгач, насронийлар ўз вақтида бой берилган кўпгина шаҳарларини қайтариб олишга эришдилар.

Тўртинчи салиб юриши (1202-1204 йиллар). Шундан кейин кўплаб салиб юришлари амалга оширилди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам мусулмонларга қаратилган эмасди ва ҳар доим ҳам Куддус ёки бошқа бирор муқаддас маскан учун олиб борилмади. Масалан, тўртинчи салиб юриши бевосита Папа ҳоҳишига зид равишда Константинополни босиб олишни мақсад қилиб қўйди. Агар у катта миқдорда пул ёки бошқа бирор шаклда товон тўланмагудек бўлса, итальян шаҳарлари бу юришда қатнашмасликларини билдиришди. Бундан ташқари юриш иштирокчилари Константинополда ўзларини яхши тутишмади. Улар маҳаллий ҳукумат ишларига аралашиб, саройдаги ҳийла-найрангларга қўшила бошладилар. Табиий равишда шунга яраша жазо чоралари кўрилиб, кўп қон тўкилди, шаҳарнинг византиялик ҳокими эса Кичик Осиёда жойлашган Никаига қочиб кетди. Константинополь тахтига ўз вакилларини ўтказиб қўйган салиб юришчилар обрўсига путур етиб, улар ҳамма жойда ноқулайлик сеза бошладилар. Салиб юришчилар раҳнамоларининг хулқ-атвори бутун насронийлар дунёсига салбий таъсир кўрсатишидан қўрққан Папа ўз обрўсини тиклаш чораларини кўриб, маълум муваффақиятларга эришди. У янги салиб юриши ҳозирлигини ҳам бошлаб юборди. Бунинг учун анча вақт талаб қилинишига қарамасдан 1218 йилда унинг жонбозлиги самара бера бошлади.

Бешинчи салиб юриши (1218-1221 йиллар). — Ал-Комил. Юриш учун анча маблағ зарур бўлганлигидан Папа бу масалада Венеция ва Генуяга мурожаат қилди. Улар салиб юриши Мисрга қарши қаратилган тақдирдагина бунга қўшилишларини билдирдилар. Бу билан улар ўзларининг майда манфаатларини кўзлаётганликлари равшан бўлиб қолганди. Зотан Узоқ Шарқ билан савдо-сотиқ Миср ва Қизил денгиз бандаргоҳлари орқали амалга оширилиши учун ҳам шу мамлакат уларга жуда керак эди. Уша пайтда Мисрга ҳокимлик қилаётган айюбий Одилнинг ўғли Султон Комил отаси сингари ўша жумҳуриятлар билан яхши муносабатлар ўрнатганди. Шунинг учун ҳам ўзининг дўстона муносабатлари бу савдогарлар учун арзимас бир нарса эканлигидан ажабланди. Салибчиларнинг денгиз кучлари Мисрдаги Димйат (Димеитта) бандаргоҳини эгаллаганларида у бунга, айниқса жиддий эътибор берди. Мудофаа жангларини уюштирган Султон юриш қатнашчиларини қуруқликка чиқиб олишларига қўймади. Икки йиллик курашлардан кейин уларни шу бандаргоҳ шаҳардан умуман қувиб ҳайдади. Юриш бошида турганлар бундан ҳайратда қолдилар. Чунки улар ал-Комил мутаассибликдан воз кечиб, иродаси ҳам хойнаҳой бўшашиб кетган бўлса керак, деган хаёлга боришганди. У эса ғоят самимий, яхши ўқимишли ва бошқа динлардан хабардор инсон бўлиб, уламолар ва насроний руҳонийлар билан бўладиган баҳсмунозараларда қатнашиб турарди. Гувоҳлик беришларича, у ҳатто Мисрга ташриф буюрган авлиё Франциска Ассиси ҳазратни меҳмон қилган. Кучли ҳарбий арбоб бўлган ал-Комил айюбийларнинг кўпгина анъаналарини ҳам сақлаб қолди.

Олтинчи салиб юриши (1228-1229 йиллар). — Фредерик II ва ал-Комил. Бу юриш бошқаларидан бутунлай ўзгача ўтди. Мақсади Куддусни қайтариб олиш бўлгани ҳолда юриш бошчиси — Олмония императори, Неапол ва Сицилия қироли Фредерик II шунга эришиш учун ўзига хос бир ғалати йўл танлади. Аслини олганда Куддус сўнгги подшоҳининг Иоланде исмли қизига уйланган бу якка ҳоким мусулмонлар ихтиёридаги бу шаҳарга даъвогарлик қилишга ҳақли эди, дейиш жоиздир. У арабларни дўст билди, араб маданиятидан завқланар, атрофига араб файласуфлари, табибларини тўплаган, ўзи эса асосан Сицилияда турар ва мутаассибликдан йироқ эди. Салиб юришига бошчилик қилишни Папа ундан илтимос қилди. Фредерик розилик берди, лекин йўлда бетоб бўлиб, уйига қайтди: иккинчи уринишни эса ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳечиктирди. Таъна ва насиҳатлари Фредерикнинг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетаётганлигидан ташвишга тушган Папа уни черков марҳаматидан маҳрум этди. Ниҳоят Фредерик II юришга жазм қилганлигига шу вазият сабаб бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. У жимгина ҳамма нарсасини йиғиштириб, ҳали ҳам Султон Салоҳиддиннинг невараси ал-Комил ҳокимлик қилаётган Миср томон йўлга чиқди. Ал-Комилнинг иккита амакиваччаси — шомли айюбийлар эса ўз амакиларига қарши курашни давом эттираётган эдилар. Шунинг учун у Фредерик II билан иттифоққа киришиб, унга Куддусни ва учинчи салиб юриши қатнашчилари қўлга киритган Аккрадан бошланувчи йўналишдаги ерларни ҳам беришни ваъда қилди. Фақат бир шарти биланки, шомлик айюбийларга қарши курашда Фредерик II унга мададкор бўлади. Фойдали шарт қабул қилинди: Фредерик II Куддусга эга бўлди, ал-Комил эса рақиблари устидан ғалаба қозонди. Ал-Комилнинг мазкур битимдаги мавқеи олижанобликкка кўп ҳам тўғри келавермасди, бу аслида ишга хиёнат бўлганлигидан уни оқлаш қийин. Чунки Салоҳиддиннинг невараси бобосига қанчалар қимматга тушган нарсани оппосон ҳадя қилиб юборавергани ғайритабиий туюлади. Яна ўн етти йилдан кейин ал-Комил авлодининг вакили ас-Султон ал-Комил Хоразм туркларининг тарқоқ кучлари билан биргаликда жанг қилиб, улар ёрдамида яна шаҳарни қайтариб олди. Шу билан мусулмонлар орасида Байт ул-Муқаддас номи билан маълум бўлган Куддус 1246 йилда яна Ислом ихтиёрига ўтди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Муҳтарама волидамиз Ойша Абдиазим қизи МАҲМУДОВА!

Сизни ярим асрлик умрингиз шодиёнаси ва сермазмун устозлик фаолиятингиз муваффақиятли якуни муносабати билан муборакбод қиламиз. Шу саодатли кунларда Сизга мустаҳкам саломталик, узоқ умр тилаймиз. Нурли чеҳрангиз ҳамиша шодлик-қувончлар шоҳиди бўлиб порласин, эзгу ниятларингизга етиб, бахтимизга омон бўлинг.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР БАЙРАМИ

Яқинда Андижон вилоят ёш табиатшунослар масканида туман ва шаҳар биология фани ўқитувчиларининг анъанавий табиат байрами бўлиб ўтди. Байрамда халқ таълими бошқармасига қарашли 13 та туман, 4 та шаҳардан 50 нафарга яқин ўқитувчи, 300 нафардан зиёд ўқувчилар ўз мактабларида ташкил қилинган гулчилик, қушчилик, экология ва табиатни муҳофаза қилиш тўгаракларида олиб бораётган ишларини намойиш қилишди.

Табиат байрамини ўтказиш ҳакамининг раиси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳининг биология хонаси катта услубчиси Сотволди ака Ниёзматов бошчилигида олий тоифали биология фани ўқитувчиларидан иборат 15 кишилик ҳакам аъзолари Низом бўйича табиат байрами кўргазмаларини, назорат саволларига берилган жавобларни кўриб чиқиб баҳоладилар.

Шаҳрихон тумани 150 балл тўплаб биринчи ўринни, Марҳамат, Асака туманлари иккинчи ўринни Олтинкўл, Булоқбоши, Хўжаобод туманлари учинчи ўринни эгалладилар.

Шаҳарлар ўртасида Марҳамат шаҳри 112 балл тўплаб биринчи ўринни, Андижон шаҳри 104 балл иккинчи ўринни, Қорасув шаҳри 101 балл тўплаб учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, Шаҳрихон тумани ва Марҳамат шаҳри ёш табиатшунослари республикада ўтказиладиган ёш табиатшунослар байрамида қатнашиши ҳуқуқини қўлга киритдилар.

А. ЭРАЛИЕВ.

Олтин ёз

ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Республика ёш туристлар марказий уюшмаси ҳам ўқувчиларнинг таътилни яхши ўтказишларида кенг имкониятларни яратиб бермоқда.

— Олтмиш йилга яқиндирки, марказимиз ўқувчилар билан ишлаб, ўлка тарихини бойитишда ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди бош директор Шавкат Машрапович Назаров. — Ўтган йиллар давомида ўқувчилар томонидан кўплаб тарихий ишлар ўрганилди. Бу ишларни бажаришда ўқувчиларга раҳнамолик қилиб келаётган тажрибали мутахассисларимиз И. Назаров, И. Отажоновларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Биргина якунланган ўқув йилининг ўзида ўлка тарихини ўрганиш мақсадида 32 бор алоҳида машғулотлар уюштирилди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 71, 187-илмгоҳларда мактабларо ўлкашунослик олимпиадалари ўтказилди. Бундан ташқари «Ўлка тарихини биласизми?», «Ёш турист», «Қутқарувчи гуруҳ» каби ўқувчилардан иборат алоҳида гуруҳларимиз доимий фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Республика ёш туристлар марказа ҳамкорлик ишларида ҳам илғорликни қўлдан бермаяпти. Хусусан, бу ердаги алоҳида гуруҳларда иштирок этаётган ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари олиб бораётган ишдан мамнун бўлиш билан бирга ўзлари ҳам марказга онлавий аъзо бўлишаётир. Эндиликда марказ фақат Ўзбекистон ўлкасини ўрганиб қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ёшлари билан ҳам узвий алоқа олиб боришмоқда. Чунончи, яқинда марказнинг бир гуруҳ фаол аъзолари Москва, Санкт-Петербург, Олма ота, Минск, Волгоград каби шаҳарларда бўлишиб, у ердаги тенгқурлари билан яқиндан алоқа ўрнатдилар.

Марказнинг бу каби ютуқлари қувонарли, албатта. Аммо шу пайтгача марказ ўзининг алоҳида биносига эга эмас эди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли Республика мактабгача тарбия муассасалари ходимлари малакасини ошириш институтининг биносидан жой ажратилганлиги қувонарли. Ўтган тўрт ой бадалида ана шу ерда марказ ўзининг 1500 нафар аъзосига эга бўлди. Лекин бу бинода муқим ўрнашиб олган тери касалликлари поликлиникаси ёшлар билан ишлашга анча ҳалақит бераётганлигини ҳам сир тутиб бўлмайди.

Энди асосий мақсад марказ ўзини ўзи таъминлаш учун кимлардандир маблағ сўраб, қўллаб-қувватловчиларни қидираётгани йўқ. Бу ердаги жамоа имкони борича барча ишларни ўзлари бажаришга киришган. Аммо ҳали, юқорида таъкидланганидек, болажонларимиз бемалол шуғулланишлари учун жойнинг етишмаслиги дилни хира қилади.

Хуллас, вазиятнинг қандай бўлишидан қатъий назар марказда ўқувчиларимиз ёз гаштини тотли ўтказишмоқда.

А. БАЯНОВ.

СУРАТДА: ёш ўлкашунослар ҳаётидан лавҳа.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, математика ўқитиш услубиёти кафедраси, шу кафедра катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди

Музаффар ҲАЙИТМУРОДОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Маърифат» газетаси жамоаси таҳририят ходими Тоҳир Турсуновга отаси

Назир ТУРСУНОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ва 215-мактаб жамоаси шу мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Шукур Тожиевич ЗОКИРОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г — 494. 91769 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.